

«Узвиносаноат-холдинг» ХК акциядорининг 2013 йил якунлари бўйича ва Устав ҳамда ички қоидаларнинг янги таҳрирда тасдиқлаш бўйича қарорлари

2014 йил 30 июнь	11-00	Тошкент ш.
Турдиев Умар Тилавович	Ўзбекистон Республикаси рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари, «Узвиносаноат-холдинг» ХК давлат ишончли вакили «Davlat aktivlarni boshqarish markazi» Davlat unitar korxonasi ишончномаси_____.	

«Узвиносаноат-холдинг» ХК акциядори томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонун (58-модда) га мувофиқ , «Узвиносаноат-холдинг» ХК нинг 3760943 дона миқдоридоги барча оддий акциялари давлатга - «Davlat aktivlarni boshqarish markazi» Davlat unitar korxonasi (ва унинг вакили – давлат ишончли вакили У.Т.Турдиевга) давлат мулкани бошқариш Марказига тегишли бўлиб, умумий йиғилиш ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади ва оддий ёзма равишда расмийлаштирилади .

Қарорлар лойиҳасини тайёрлаш, уларни расмийлаштириш ва тегишли иш юритувини олиб бориш учун Ш.Ю.Садиқов кузатув кенгаши котиби этиб тайинлансин ва келгусида унга акциядор ва кузатув кенгаши қарорлар лойиҳасини тайёрлаш бўйича мажбуриятлар юклатилади .

«Узвиносаноат-холдинг» ХК кузатув кенгашининг 2014 йил 23.05. даги 1-сонли йиғилиши томонидан ЎзР нинг 2014 йил 6.05.даги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни янги таҳрири чиқиши муносабати билан 2013 йил якунлари ва «Узвиносаноат-холдинг» ХК Устави ҳамда ички қоидалари кўриб чиқилди ва тегишли қарорларни қабул қилиш учун акциядор томонидан кўриб чиқилиш учун киритилди.

Қарорларни қабул қилиш учун саволлар:

- 1. Кузатув кенгаши раисининг 2013 йил фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи.*
- 2. «Узвиносаноат-холдинг» ХК бошқаруви раисининг 2013 йил фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва 2013 йилга бизнес режани бажариш. Акциядорлик жамияти бошқарувининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш .*
- 3. 2014 йилга бизнес режани тасдиқлаш .*
- 4. «Узвиносаноат - холдинг» ХК нинг 2013 йил учун бухгалтерия баланси, фойда ва зарар ҳисоблари , холдинг компанияси бошқаруви аппарати бўйича харажатлар сметаси ва холдинг компаниясининг 2014 йилга қайта қуриш ва ривожлантириш фонди бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш .*
- 5. 2013 йилдаги фойдани тақсимлаш тўғрисида.*

6. «Узвирносаноат-холдинг» ХК нинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисида тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.

7. «Узвирносаноат-холдинг» ХК нинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисида ташқи аудиторнинг хулосасини тасдиқлаш.

8. «Узвирносаноат-холдинг» ХК нинг 2014 йилга ташқи аудиторини тасдиқлаш .

9. Кузатув кенгашининг қайта сайловлари .

10. Бошқарув раиси ва аъзоларини қайта сайлаш ва улар билан меҳнат шартномасини тузиш .

11. Тафтиш комиссиясини қайта сайлаш .

12. 2014 йил 6.05.даги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг янги таҳририга мувофиқ холдинг компаниянинг Устави ва ички қоидаларининг янги таҳририни устав фонди миқдорини ўзгартирмасдан ва акциялар бўлинишини амалга ошириш йўли билан тасдиқлаш .

13. Кузатув кенгашига 1: 20 коэффициент билан акцияларнинг номинал қиймати (10000 сўм) бўлиниши билан янги акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш ҳамда эмиссия янги проспектини чиқаришни тасдиқлаш бўйича ваколатлар топширилиши ва кейинчалик 75 218 860 донга оддий акцияларни чиқариш йўли билан акцияларнинг 500 сўм миқдоридаги янги номинали киритилиши билан компаниянинг 37 609 430, 0 минг сўм миқдоридаги устав фондиди ўзгартирмасдан қолдирилсин .

14. Кузатув кенгашига 1: 20 коэффициент билан акцияларнинг номинал қиймати (10000 сўм) бўлиниши билан янги акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш ҳамда эмиссия янги проспектини чиқаришни тасдиқлаш бўйича ваколатлар топширилиши ва кейинчалик 75 218 860 донга оддий акцияларни чиқариш йўли билан акцияларнинг 500 сўм миқдоридаги янги номинали киритилиши билан компаниянинг 37 609 430, 0 минг сўм миқдоридаги устав фондиди ўзгартирмасдан қолдирилсин .

Акциядорнинг 2013 йил якунлари бўйича ва янги таҳрирдаги Устав ва ички қоидаларни тасдиқлаш бўйича қарорлари :

1. Кузатув кенгаши раисининг 2013 йилдаги фаолият якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

2. «Узвирносаноат-холдинг» ХК бошқарув раисининг 2013 йилдаги фаолият тўғрисидаги йиллик ҳисобот ва 2013 йил бизнес режасини бажарилганлиги бўйича қониқарли деб тасдиқлансин

3. 2014 йилга бизнес режа тасдиқлансин .

4. «Узвирносаноат - холдинг» ХК нинг 2013 йил учун бухгалтерия баланси , фойдалар ва зарарлар ҳисоби , компания бошқаруви аппарати бўйича 2014 йилга харажатлар сметаси ва холдинг компаниясининг 2014 йилга қайта қуриш ва ривожлантириш фонди бўйича харажатлар сметаси тасдиқлансин.

5. Молия Вазирлигининг 2014 йил 6 майдаги 35/2014 - сонли Кўрсатмасига (2014 йил 6.05. даги бю/08-01-55-17/347-сонли хат) мувофиқ 2013 йилда олинган 4 534 649 минг сўм миқдоридаги соф фойдадан йўналтирилсин :

- 2 267 324,5 минг сўм (50%) дивидендларни тўлашга ;

- 226 732,45 минг сўм (5%) заҳира фондига ;

- 2 040 592,05 минг сўм (45%) ҳукумат топшириқларини бажаришга, шу жумладан ҳомийлик ёрдам кўрсатишга .

Дивидендлар 2014 йил 7.07. дан 2014 йил 30.08. гача тўлансин.

6. «Узвინосаноат-холдинг» ХК нинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин, бошқарувга тафтиш комиссияси томонидан билдирилган мулоҳазаларни бартараф қилиш топширилсин.

7. Ташқи аудиторнинг «Узвინосаноат-холдинг» ХК нинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги хулосаси тасдиқлансин, бошқарувга аудиторлик ташкилоти томонидан билдирилган мулоҳазаларини бартараф қилиш топширилсин

8. «Узвინосаноат-холдинг» ХК нинг 2014 йилга ташқи аудитори этиб 4 млн сўм ҳақ тўланган ҳолда «Osiyo audit» аудиторлик компанияси тасдиқлансин .

9. Давлат активларини бошқариш Марказининг 2014 йил 30.01 даги 01/06-98 –сонли ва 2014 йил 04.04. даги 01/05-402 -сонли хатларига мувофиқ холдинг компанияси кузатув кенгаши аъзолари этиб тайинлансин :

Шерматов С.Б. – иқтисодиёт вазири ўринбосари ;

Обидов М.Х. – Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси ;

Ахмедов Ж.И. – Рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бош бошқармаси бошлиғи;

Юнусов Ж.Б. – Рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси бошқармаси бошлиғи;

Мирзаев Т.Э. – Молия вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

Нусуров И.Н. – Давлат активларини бошқариш Маркази бош директори ;

Турдиев У.Т. – давлат ишончли вакили .

Бунда давлат ишончли вакили Турдиев У.Т. (давлат вакили), амалдаги қонунчиликка мувофиқ лавозим бўйича кузатув кенгаши аъзоси ҳисобланади ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланиши (қайта

сайланиши) мумкин эмас (“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 76-моддаси).

10. Холдинг компанияси бошқарувига сайлансин :

Бошқарув раиси этиб Рахимов Ш.Н.,

Бошқарув аъзолари этиб Абдуллаев А.А., Бобоев Р.М., Рузматов Ш.И., Ташкенбаев А.Х., Низамходжаев А., Вапаев Н.А., Абидов Т., Арипов М. ва улар билан эгаллаб турган лавозимларига кўра бир йиллик муддатга меҳнат шартномалари тузилсин .

11. Холдинг компанияси тафтиш комиссиясига сайлансин :

Суюнов Б.М. – ЦУГА бўлими бошлиғи ;

Махмудов Б.Н – Рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси
бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

Джурраев Ш.А. – Рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси бош
мутахассиси;

12. Тасдиқлансин :

Холдинг компаниясининг янги таҳрирдаги Устави ва ички қоидалари,
«Узвиносаноат-холдинг» ХК акциядори тўғрисидаги Низоми ,
«Узвиносаноат-холдинг»ХК кузатув кенгаши тўғрисидаги Низоми,
«Узвиносаноат-холдинг»ХК ижро органи тўғрисидаги Низоми,
«Узвиносаноат-холдинг»ХК ички аудит хизмати тўғрисидаги Низоми,
«Узвиносаноат-холдинг»ХК тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низоми,

Бошқарув раиси ва аъзолари, акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раиси, аъзолари ва котиби, акциядорлик жамияти тафтиш комиссияси , ички аудит хизмати аъзолари ва меҳнат жамоасининг оддий аъзоларини моддий рағбатлантириш механизмининг такомиллаштириш бўйича Низом .

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6.05. даги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ устав фонди миқдори ўзгартирилмасдан ва акцияларнинг бўлинишини амалга оширган ҳолда .

13. Кузатув кенгашига 1: 20 коэффициент билан акцияларнинг номинал қиймати (10000 сўм) бўлиниши билан янги акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш ҳамда эмиссия янги проспектини чиқаришни тасдиқлаш бўйича ваколатлар топширилсин ва кейинчалик 75 218 860 донга оддий акцияларни чиқариш йўли билан акцияларнинг 500 сўм миқдоридаги янги номинали киритилиши билан компаниянинг 37 609 430, 0 минг сўм миқдоридаги устав фондидини ўзгартирмасдан қолдирилсин .

14. Кузатув кенгашига олдин чиқарилган қимматли қоғозларни ЕГР дан чиқариш тўғрисидаги қарорни янги қимматли қоғозларни чиқариш

муносабати билан қимматли қоғозларга олдин берилган давлат рўйхат рақамларини бекор қилиш йўли билан тасдиқлаш бўйича ваколатлар топширилсин ва қимматли қоғозлар чиқарилишини ЕГР дан чиқариш учун асослар юзага келган кундан бошлаб ўн кун мобайнида рўйхатга олиш органига бу ҳақида ёзма ариза тақдим қилиш лозим .

**«Узвиносаноат-холдинг» ХК
Давлат ишончли вакили,
Ўзбекистон Республикаси
Рақобатни ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси ўринбосари**

У.Т.Турдиев